

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИННИГ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАР МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ЕР КАДАСТРИ  
ФАКУЛЬТЕТИ

ДАВЛАТ КАДАСТРЛАРИ КАФЕДРАСИ

Мавзу:

ЭНЕРГЕТИКА ИНШООТЛАРИ  
ДАВЛАТ КАДАСТРИНИ  
ЮРИТИШ

## **Режа:**

---

- 1.Халқ хўжалигига электр энергиясидан фойдаланиш.
2. Энергетика иншоотлари давлат кадастрининг мазмунни ва моҳияти.
3. Энергетика иншоотлари давлат кадатрининг таркибий қисмлари.
4. Энергетика иншоотлари давлат кадастрини юритиш.

# Энергетика иншоотлари давлат кадастри тушунчаси

---

Энергетика иншоотлари давлат кадастри (ЭИДК) – Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлиги тасарруфидаги энергетика иншоотларидан оқилона фойдаланиш, ушбу иншоотларни ўз вақтида таъмирлашни ташкил этиш мақсадларида уларни хўжалик ва ҳуқуқий ҳолатини тартибга солиш, бу иншоотларни микдор ва сифат ҳисобини юритиш ва баҳолаш ишларини амалга ошириш асосида юритилади.

## ЭИДКнинг мазмуни

---

- ЭИДК вазирлик тасарруфидаги турли субъектларни энергетика иншоотларига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олишни, энергетика иншоотлари миқдори ва сифат ҳолатини ҳисобга олишни, мавжуд энергетика иншоотларини қиймат жиҳатидан баҳолашни, шунингдек энергетика иншоотлари давлат кадастрига оид бўлган маълумотларни бир тизимга келитириш, саклаш, янгилаб туриш ва фойдаланувчиларга беришни ўз ичига олади.

## ЭИДКнинг мақсади

---

- ЭИДК энергетика вазирлиги ихтиёрида республикамизда мавжуд бўлган турли энергетика иншоотларини такомиллаштириш, янги иншоотларни барпо этиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, мавжуд энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, янги иншоотлар куришни ташкил этиш, энергетика иншоотларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлар микдорларини асослаш, республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган энергетика иншоотларини баҳолаш мақсадида юритилади.

# ЭИДКНИНГ ОБЪЕКТИ


- Энергетика вазирлиги ихтиёрига киравчи, республика ҳудудида қурилаётган ва фаолият қўрсатаётган сув ва иссиқлик электр станциялари, электр энергияси тақсимловчи подстанциялар ва бошқа энергетика объектлари ЭИДКНИНГ ОБЪЕКТИ ҳисобланади.



# ЭИДКнинг вазифаси

---

- ЭИДКнинг вазифаси – давлат ҳокимияти органларини, бошқа вазирликлар ва идораларни, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни энергетика иншоотлари тұғрисидаги аник ишончли кадастр ахборотлари билан таъминлашдан ибаратдир.



# ЭИДКНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

---

1. Энергетика вазирлигига бўйсунувчи  
барча турдаги энергетика  
иншоотларини **рўйхатга олиш**;
2. Энергетика иншоотларини миқдор  
ва сифат жиҳатидан **ҳисобини**  
**юритиш**;
3. Энергетика иншоотларини  
**иктисодий баҳолаш**.



# ЭИДКни юритиш тамойиллари

---

1. Энергетика вазирлиги таркибидаги энергетика иншоотлари бўйича кадастр ишларини юритишнинг услубий бирлиги;
2. Давлат кадастри ягона тизимининг талабаларига мос келиши;
3. Энергетика иншоотларининг кадастр ахборотларини аниқлиги ва хужжатлилиги;
4. Кадастри юритиш ва ахборотларни янгилаб туришнинг узлуксизлиги;
5. Автоматлаштирилган ахборотлар тизимини йўлга қўйилганлиги;
6. Кадастр ахборотларини фойдаланувчиларга тезкор тарзда аниқ ва замонавий ахборотларни етказиб бериш имкониятларининг мавжудлиги;
7. Чегараланган тарзда фойдаланиладиган ахборотларнинг маҳфийлиги.